



2019-yil, 9-dekabr
МАХСУС СОҲ

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

2019 йил
22 ДЕКАБРЬ
Сайлов куни



Бош мақсадимиз – халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш!

АНДИЖОН
вилояти маркази
– Андижон
шаҳри. Майдони
жиҳатдан энг
кичик ҳудуд
бўлишига
қарамай,
вилоятда
Ўзбекистоннинг
қарийб 10
фоиз аҳолиси
истиқомат
қилади. Вилоят
майдони 4,2
минг км² бўлиб, у
ерда 3 миллион
200 мингга яқин
аҳоли истиқомат
қилади.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА
АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАН
КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОДЛАР**

2

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ**

6

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИГА КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОДЛАР**

10

Ўзбекистон Халқ демократик
партиясининг 41555 нафар аъзоси
бўлиб, шундан аёллар — 20480, 30
ёшгача бўлганлар — 17154 нафарни
ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида
13 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида
148 нафар Ўзбекистон ХДПдан
сайланган депутатлар фаолият
юритади. Улар 2019 йил давомида
турли йўналишлардаги 125 масалани
ўрганиб, партия гуруҳларида муҳокама
қилди. 93 масала доимий комиссияда
кўрилган бўлса, 48 масала сессияга
киритилди. Жорий йилининг шу кунига
қадар Жамоатчилик қабулхоналарида
1650 га яқин мурожаат бўлган. Уларнинг
аксарияти ўз ечимини топди.

**Халқ демократик партиядан
кўрсатилган номзодларга овоз беринг!**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

9-Андижон сайлов округи

Андижон шахри



**ИСАКОВА
МУНОЖАТХОН
АБИДЖАНОВНА**

Андижон шаҳридаги
3-сонли болалар мусиқа ва санъат
мактаби директори

1981 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 2008 йили Андижон давлат университетининг мусиқий таълим факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўқитувчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2012 йилдан Андижон шаҳридаги 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан мактабда кўплаб тўғараклар ва болалар ансамбллари ташкил этилган. Ўқувчилар бир қатор хорижий давлатларда ўтказилган халқаро, республика ва вилоят миқёсида ўтказилган танловларда фахрли ўринларни қўлга киритган. Унинг раҳбарлигидаги мактаб республикадаги 368 та мусиқа ва санъат мактаблари ичида 2 қарра “Энг намунали мусиқа ва санъат мактаби” совринига сазовар бўлган.

2015 йилда «Халқ таълими аълочилиги» кўрак нишони билан тақдирланган.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.

10-Олтинкўл сайлов округи

Олтинкўл тумани



**САТИМОВА
ГУЛНОЗА
ГУЛОМЖОНОВНА**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Олтинкўл туман кенгаши раиси

1986 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 2009 йили Андижон давлат университетининг бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий ишлар факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўқитувчи. ЎзХДП аъзоси.

2017 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Олтинкўл туман кенгаши-раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида ўзини ишига масъулиятли, меҳнатсевар ва ватанпарвар мутахассис сифатида кўрсатиб келмоқда. Туман кенгашида унинг ташаббуси билан бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар ўртасида “Меҳр улашинг”, “Хар бир инсон бахтли бўлишга ҳақли!”, “Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин” акциялари муваффақиятли ўтказилган. У депутатлар фаолигини ошириш борасида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Фахрий депутатлар клуби аъзолари билан биргаликда тумандаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда сайёр ва жамоатчилик қабуллари мунтазам ташкил этиб келмоқда.

11-Бўз сайлов округи

Бўз ва Улуғнор туманлари



**АБДУЛЛАЕВА
ГУЛНОРАХОН
МАЪРИФЖОНОВНА**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Андижон вилояти масъул ташкилотчиси

1967 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 1989 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг психология факультетини ва 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Мутахассислиги – психолог, иқтисодчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2013 йилдан Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти масъул ташкилотчиси сифатида ишлаб келмоқда.

Унинг ташаббуси билан 2009–2014 йилларда ҳудуддаги йўл ва ичимлик суви бўйича муаммолар ҳал этилди. Кейинги икки йил давомида янги ташкил этилган нодавлат секторидagi кўплаб корхоналарда касаба уюшмаси ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. У ўзига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндашади, ташаббускор, тўғрисиқ, самимий, маънавий етук, ўзига ва бошқаларга талабчан мутахассис.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

12-Шаҳрихон сайлов округи

Шаҳрихон тумани



**БЎТАЕВА
ЗАМИРАХОН
МАХМУДОВНА**

Асака туман “Тугён” хусусий клиникаси
бош шифокори

1966 йили Наманган вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 1992 йили Андижон давлат тиббиёт институтининг даволаш иши факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – даволаш иши. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

“Тугён” хусусий клиникаси бош шифокори. Унинг ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилган. Туманда 2015–2018 йилларда “Замон билан ҳамнафас аёл”, “Раҳбар аёлларнинг жамиятдаги ўрни”, “Зукко аёл – жамият кўрки” мавзуларида анжуманлар ўтказилди, кам таъминланган, эҳтиёжманд аёллар ишга жойланди. У Асака тумани депутати сифатида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан намунали фаолият юритиб келмоқда.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

13-Асака сайлов округи

Асака тумани



**НИШОНОВ
ИСРОИЛЖОН
АБДУМУТАЛИБОВИЧ**

Андижон вилояти
Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш
бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

1985 йили Андижон вилояти Асака туманида туғилган. Маълумоти – олий. 2008 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – инглиз тили. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2018 йилдан Андижон вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида унинг ташаббуси билан тизимдаги мавжуд касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. У қатъиятли, талабчан, жамоадoshлари билан бўлган муносабатда муомала маданиятига риоя қиладиган раҳбарлик хислатларига эга.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

14-Марҳамат сайлов округи

Марҳамат ва Булоқбоши туманлари



**МАМАЖОНОВ
ТУРСУНАЛИ
АХМАДЖОНОВИЧ**

ЎзХДП Марҳамат туман кенгаши раиси

1970 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 1997 йили Фаргона политехника институтининг машинасозлик технологияси факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – машинасозлик технологияси. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2017 йилдан ЎзХДП Марҳамат туман кенгаши раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида унинг иштирокида аҳоли муаммоларини ўрганиш, ечимини топиш, амалий ишлар билан маҳаллага ёрдам бериш намунаси йўлга қўйилган. У мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиб келмоқда, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини барқарорлаштириш борасидаги кўп йиллик хизматлари билан эл-юрт ҳурматини қозонган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

15-Хўжаобод сайлов округи

Хўжаобод ва Булоқбоши туманлари



**ШАКИРОВА
ЧАРОСХОН
ТУРГУНОВНА**

Андижон давлат университетининг
Санъатшунослик факультети декани

1965 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 1989 йили Тошкент давлат педагогика институтининг тасвирий санъат, чизмачилик ва меҳнат факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўқитувчи. Педагогика фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2019 йилдан Андижон давлат университетининг Санъатшунослик факультети декани лавозимида ишлаб келмоқда. У 4 ўқув-усlubий қўлланма, 2 та дарслик, 50 дан зиёд илмий мақола ва тезислар, 2 та патентлик гувоҳномаси муаллифи. "Халқ таълими аълочиси" кўрак нишони билан тақдирланган.

Унинг ташаббуси билан педагогика факультети талабалари учун тўғрак ва "Ижодхона" ташкил этилган. Ун нафарга яқин шогирди вилоят ва республика миқёсида ўтказилган танловларда ғолиб бўлиб, икки нафар талабаси Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси ва Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

16-Пахтаобод сайлов округи

Пахтаобод тумани



**ИГАМБЕРДИЕВ
АЛИШЕР
УСМАНОВИЧ**

Андижон вилояти
Иқтисодиёт ва Саноат бош бошқармаси бошлиғи

1976 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 1998 йили Андижон политехника институтининг муҳандис-технолог факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – муҳандис-технолог. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2019 йилдан Андижон вилояти Иқтисодиёт ва Саноат бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида унинг бевосита иштирокида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастури, узоқ муддатли концепцияси ишлаб чиқилди. У Андижон вилоятида саноатни жадал ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва ижтимоий соҳани кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ишбилармон тадбиркорлар, зиёлилар ва оддий фуқаролар билан учрашиб, уларнинг келгуси режалари ва муаммоларига ечим топилишида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

17-Қўргонтепа сайлов округи



**САЙДАЛИЕВ
ЗАФАР
МЕЛИКУЗИЕВИЧ**

Қўргонтепа тумани
ва Хонобод шаҳри

43-умумий ўрта таълим мактаби
директорининг
маънавий ва маърифий ишлар
бўйича ўринбосари

1974 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти – олий. 2004 йили Ўш давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Мутахассислиги – ўқитувчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2018 йилдан Андижон вилояти Қўргонтепа туманида 43-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида унинг ташаббуси билан ўқувчилар билимини оширишда 10 дан ортиқ методик қўлланма яратилиб, амалиётга татбиқ этилган. У жамоада соғлом муҳит ярата олиши, ташкилотчилиги, жамоа фаолиятини назорат қилиш каби касбий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, масъулиятли, меҳнатсевар, камтаринлиги билан касбдошлари ва аҳоли ҳурматини қозongan.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

18-Избоскан сайлов округи



**РАХМАНОВ
САРДОРБЕК
ДЖАЛАЛИДДИНОВИЧ**

Избоскан тумани

Андижон вилоят ҳокимлиги
Молия бошқармаси бошлиғи

1984 йилда Андижон вилояти Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти – олий. 2006 йили Андижон муҳандислик иқтисодиёт институтини, 2010 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қoшидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Мутахассислиги – иқтисодчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2019 йилдан Андижон вилояти Молия бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида пенсия жамғармаси раҳбари сифатида тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар орасида пенсия ва нафақа олувчилар билан ишлаш, уларнинг муносабатларига тезкор муносабат билдириш, муаммосини ҳал этиш масалаларида талабни қўлайитириб, қатъий интизом ўрнатган.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

19-Хортум сайлов округи



**ХАТАМОВА
МАХБУБАХОН
АБДУБАННОЕВНА**

Андижон тумани

Андижон тумани
маданият бўлими мудири,
маданият маркази директори

1973 йили Наманган вилояти Уйчи туманида туғилган. Маълумоти – олий. 1995 йилда Андижон қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Ихтисослиги – агроном. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2017 йилдан Андижон тумани маданият бўлими мудири, маданият маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида ўзини юксак салоҳиятли раҳбар, назарий ва амалий тажрибага эга ташкилотчи сифатида намоён этди.

Оилали, бир нафар фарзанди бор.

20-Чинобод сайлов округи



**ИСАҚОВА
МАВЛЮДАХОН
ГОППОРОВНА**

Балиқчи тумани

Улуғнор тумани
маданият маркази директори

1970 йилда Андижон вилояти Хўжабод туманида туғилган. Маълумоти – олий. 1995 йили Тошкент давлат санъат институтини тугатган. Мутахассислиги – мусиқали театр актёри. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

20017 йилдан Улуғнор тумани маданият маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида мамлакатимиз маданият ва спорт ишлари ривожини йўлида ўзининг тақлиф ҳамда тавсиялари билан иштирок этиб, салоҳияти, ташкилотчилиги, етук мутахассис эканини амалда намоён этди.

Мавлюдахон ИСАҚОВАнинг сайловолди дастури Ўзбекистонда ижтимоий демократик давлат қуришда ижтимоий адолат, тенглик, бирдамлик тасмийлларига таянади.

Оилали, уч нафар фарзанди бор.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**21-Истиқлол
сайлов округи**



**БАБЕНКО
ЕЛЕНА
ВЛАДИМИРОВНА**

**Андижон шаҳри
ва Андижон тумани**

**Ўзбекистон Рус маданият марказининг
Андижон вилояти бўлими раҳбари**

1968 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти – олий. 1989 йили Андижон давлат тиллар педагогика институтини тугатган. Мутахассислиги – ўқитувчи. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2018 йилдан Ўзбекистон Рус маданият марказининг Андижон вилояти бўлимининг раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида юзлаб ёшларнинг юқори маънавият мутахассис бўлишига муносиб ҳисса қўшган, 30дан ортқ илмий мақолалари республика ва нуфузли халқаро илмий нашрларда чоп этилиб, таълим сифатини оширишга таъсир кўрсатган. 2019 йили “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

**22-Жалақудук
сайлов округи**



**РАХМОНОВ
АБДУЛЛАЖОН
АМАНБОЕВИЧ**

Жалақудук тумани

**“Ўзавтомоторс” акциядорлик жамияти
тиббий қисм бош шифокори**

1968 йили Андижон вилояти Марҳамат туманида туғилган. Маълумоти – олий. 1996 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тугатган.

Мутахассислиги – педиатр. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

2018 йил 14 декабрдан “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамияти тиббий қисм бош шифокори лавозимида ишлаб келмоқда.

Фаолияти давомида унинг ташаббуси билан Андижон вилояти марказий шифохонасида болалар пластик жарроҳлик бўлими ташкил қилиниб, Жанубий корейлик профессор, мутахассислар томонидан 2,5 минг нафардан зиёд бола хайрия тиббий текширувларидан ўтказилиб, мураккаб турдаги жарроҳлик амалга оширилган. 40 дан зиёд илмий мақола ва тезислар, 2 та жарроҳлик даволаш усуллари ишлаб чиқиш юзасидан монография, болаларда кўп учрайдиган битишмалик хасталикларининг олдини олиш юзасидан 3 мартаба рационализаторлик тақлифларини амалиётга татбиқ этган.

Оилали, тўрт нафар фарзанди бор.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ НАММА НАРСАДАН УСТУН!



**О'ЗБЕКISTON
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН**



NOMZODLARGA OVOZ BERING!



**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА 2019 ЙИЛДА ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини, аввало, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатда ижтимоий барқарорлик, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ҳар бир оила ҳамда бутун халқнинг фаровонлигига эришиш каби умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланиб белгилайди.

Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг бош мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсади ушбу манфаатларга тўлиқ мос келади.

Мазкур жараёнда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда барча соҳаларни либераллаштиришга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Харакатлар стратегиясидаги устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов кампаниясига киришар экан, вакиллик органларида кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллашни, шу орқали қонунларни қабул қилиш, давлат ҳокимияти ижро органларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва самарали амалга ошириш имкониятларига эга бўлишни мақсад қилмоқда.

РИВОЖЛАНИШДАГИ ИЖТИМОЙ УСТУВОРЛИК — ПАРТИЯ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯСИНИНГ АСОСИ

Халқ демократик партияси Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия мезонларига мос келадиган ижтимоий демократик давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади, деб ҳисоблайди.

Шу мақсадга эришишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга устувор аҳамият қаратган.

2030 йилгача мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш орқали Ўзбекистонни аҳоли турмуш даражаси ва сифати бўйича дунёнинг ўрта ривожланган давлатлари даражасига олиб чиқиш юқоридаги устувор вазифани амалга оширишда асосий дастурий мақсад қилиб олинган.

Партия ушбу мақсадга эришиш йўлларини белгилашда, давлат ва жамият томонидан ижтимоий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож қуйидаги аҳоли қатламнинг манфаатларидан келиб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди:

— пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори турмуш кечириш учун етарли бўлмаган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, кўп болали аёллар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари;

— меҳнат билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келадиган инсонлар, жумладан, меҳнат бозорига энди кириб келган таълим муассасалари биттирувчилари;

— зарур қасбий малакаси йўқлиги сабабли доимий иш жойи ва барқарор даромадга эга бўлмаган кишилар, жумладан, ички ва ташқи меҳнат мигрантлари.

Ўзбекистон ХДП мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салоҳияти аҳолининг кам таъминланган қатламлари турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу

мамлакатда ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигини янада мустаҳкамлашнинг асосий омилли ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартли ҳисобланади.

Ушбу устуворликдан келиб чиқиб, партия ўз депутатлари орқали иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириб боришни, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришни, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришни кўзда tutади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда партия барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарафлари бўлган барча шахсларнинг қўмағига таянади.

Ушбу масалаларда партия шiori:

Биз ижтимоий тараққиёт тарафдоримиз!

Бу иқтисодий ислохотлар самарадорлигининг асосий омилдир!

АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚАТЛАМЛАРИ, ПЕНСИОНЕРЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини юқори ижтимоий таъминланганлик даражаси — жамият барқарорлигининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Партия пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда аҳолининг бошқа заиф қатламларига пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларни белгилаш 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича Миллий мақсадлар ва вазифалардаги мезонларга асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

— аҳолининг кам таъминланган ва бошқа заиф қатламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдими этилишини таъминлайдиган “Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— аҳоли турмуш даражасини белгилашда, ижтимоий сиёсат ва давлат ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиб жорий этишда, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам даражасини белгилашда халқаро ҳамжамиятда умумқабул қилинган кўрсаткичлар, яъни яшаш минимуми ва истеъмол саватчаси ҳамда уларни қўллаш тартибини амалиётга киритиш.

Шу мақсадда партия қонунчилик ташаббусига мувофиқ ўз парламент фракцияси орқали тегишли қонун лойиҳаси ва тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишни режалаштирмоқда.

Партия, шунингдек, аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисобланишига эришади.

Шу мақсадда партия “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни режалаштирган.

Партия қуйидаги масалалар бўйича парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни режалаштирган:

— кам таъминланган оилалар аъзолари, жумладан, ишсизлар, меҳнатга лаёқатли ногиронлар, аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги ҳамда қасаначиликни давлат ва давлат-хусусий шериклик асосида рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш. Бу аҳоли ўртасида боқимандаликни йўқотишга хизмат қилади;

— ногиронларга хусусий тадбиркорлик ҳамда томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизида қонунчиликда кўзда тутилган маслаҳат марказлари ва кам таъминланган, меҳнатга лаёқатли фуқароларни тадбиркорлик асосларига бепул ўқитишнинг бошқа шакллари ҳамда уларга тегишли масалалар бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий маслаҳатлар бериш тизимини янада ривожлантириш.

Партия ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларнинг ҳаётий эҳтиёжларига эътиборни қучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партия қуйидаги чора-тадбирларни кўрмоқчи:

— депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали “Мурувват”, “Саховат” ва “Меҳрибонлик” уйларида истикомат қилаётган ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларнинг яшаш шароитини ўрганиш;

— ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланиш ҳамда ижтимоий тадбиркорлик бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш;

— ўрганишлар ҳамда тегишли ижтимоий гуруҳлар билан ўтказилган мулоқот натижаларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликка давлат-хусусий шериклиги ҳамда ижтимоий тадбиркорлик асосида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг аниқ процессуал механизмларини киритишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни партиянинг парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида илгари суриш.

Шунингдек, ХДП ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг мамлакат маданий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этиши учун муносиб шароит яратишни кўзлаган.

Аҳолининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг ижтимоий манфаатлари ва ахлоқий қарашларига жиддий зарар етказадиган ортиқча харажатларнинг олдини олиш мақсадида партия қуйидаги таклифларни илгари суришни режалаштирган:

— никоҳ тўйлари, юбилейлар, дафн маросимлари ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказиш тартибини қонун йўли билан мустаҳкамлаш;

— тарихан шаклланган маданий қадриятлар ва анъаналарнинг асл мазмуни ҳамда аҳамиятига доир тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш.

Партия ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда қуйидаги чораларни кўришни режалаштирган:

— Молия, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ногиронлар жамиятларига давлат субсидияларини ажратиш, давлат сармояси ҳисобидан ногиронлар учун ихтисослаштирилган қорхоналар ташкил этиш ҳамда ушбу қорхоналарга ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан ижтимоий буюртма бериш тартибига доир аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқаттақдим этиш;

— парламентдаги фракцияси орқали БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини ўрнатилган тартибда илгари суриш.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз инсонларни ишончли ижтимоий ҳимоя қилиш тарафдоримиз!

Бу ижтимоий барқарорлиқнинг таянчидир!

БИЗ ИНСОНЛАРНИ ИШОНЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАРАФДОРИМИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА 2019 ЙИЛДА ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР НАРХЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси **ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари ва тарифлари норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги учун ушбу нархларни шакллантириш устидан қатъий давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тарафдори.**

Шу мақсадда партия куйидагиларни таклиф қилади:

- муҳим ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархлари ҳамда рўйхатини белгилаш давлат томонидан тартибга солинишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш;

- мамлакатимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаётган муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар учун **божхона бож ва тўловлари бўйича имтиёзли ставкаларни** ўрнатиш;

- **импорт ўрнини босувчи ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга импорт товарларидан олинadиган даромадларнинг бир қисmini имтиёзли кредит беришга йўналтириш** тартибини жорий этиш;

- ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи компанияларнинг монополиясини чеклаш, жумладан, монопол корхона-ларни мажбурий равишда бўлиш ва уларнинг таркибидан мустақил ҳўжалик субъектларини ажратиш бўйича қонунчиликка тегишли процессуал меъёрларни киритиш.

- аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотадиган дўконлар ташкил этишини ҳукукий тартибга солиш ҳамда шундай савдо тармоқларини ривожлантиришга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш. Олинган натижалар асосида хориж тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз ҳар бир инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари кафолатли таъминланиши тарафдоримиз!

УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат-ламини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналишидир.

Бунинг учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ҳашаматли ипотека турар-жойларини қураётган **қурилиш компаниялари ва тижорат банклари даромадида жорий қилиш**. Ушбу маблағларни қонунчиликка жорий қилиш. Ушбу маблағларни махсус фондларда жамлаш ва кейинчалик аҳолининг заиф қатламлари, жумладан, уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир аёллар, “Меҳрибонлик” уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар-жойлар қурилиши учун ишлатиш;

- аҳолининг кам таъминланган қатлами, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва яшаш шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қурилаётган **арзон уй-жойлар сонини кўпайтириш**. Шунингдек, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиётини такомиллаштириш.

Партия квартиралар ва кўп квартиралли уйлarda коммунал хизматлари ҳамда кўп квартиралли уйлarda

эксплуатация хизматлари тўловларининг ижтимоий мақбуллик даражасини ошириш мақсадида куйидагиларга эришишни кўзда тутган:

- марказлашган иситиш ва иссиқ сув таъминотини, маншй чикиндиларни олиб кетиш ва утилизация қилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарни табиий монополияси бўйича қонун-чилик меъёрларини кўриб чикиш;

- муҳандислик тармоқ инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган, коммунал хизматлар тақдим этиш бўйича мукобил автоном (локал) шаклларини ривожлантириш;

- **“Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чикиш ва қабул қилиш**. Шу орқали коммунал хизматлар, уй-жой фондидан фойдаланиш учун нарх-наво ва тарифларни, коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рентабеллигининг чегараланган даражасини шакллантириш меъёрларини қонунчиликда мустаҳкамлаш;

- коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ишлаб чикариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларини қоплаш мақсадида, нарх-наво ва тарифлар оширилиши ҳолатларига йўл қўймаслик учун **маълумотлар очиқлигини таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар тарифлари устидан жамоатчилик назоратини қулайтириш**;

- қонунчиликни уй-жой жамғармасидан фойдаланишни ташкил этиш, асосий коммунал хизматларни етказиб берувчилар ва улардан фойдаланувчиларнинг ўзаро масъуллигини оширишга доир аниқ процессуал нормалар билан бойитиш.

Шунингдек, партия куйидагиларни амалга оширишни таклиф этади:

- уй-жой фондини — коммунал хизматлар етказиб берувчи ташкилотлар ҳисобидан замонавий электр энергия, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ҳисоблаш асбоблари билан тўлиқ таъминлаш;

- коммунал хизматлар учун барча ўлчов асбобларини етказиб берувчи ташкилотлар балансига ўтказиш ҳамда уларнинг зиммасига асбобларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва мунтазам текшириш вазифасини юклаш.

Партия юқоридаги масалаларни ҳал этиш мақсадида тегишли давлат органлари билан тизимли равишда ҳамкорлик қилиб, уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолияти устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишни кўзда тутган.

Жумладан, партия жойларда коммунал хизматлар бўйича асоссиз ҳисобланган қарздорлиқни аниқлаш, истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб боришда иштирок этади.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз уй-жой ва коммунал хизматларининг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш тарафдоримиз!

ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ ИЖТИМОЙ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аҳолининг кам таъминланган қатламларига **тиббий хизматлар кўрсатиш**, айниқса, ижтимоий ҳавфи бор касалликларни даволаш ва олдини олиш – ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишидир.

Шу мақсадда партия куйидагиларни амалга оширмоқчи:

- **мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини**, шунингдек, тегишли мажбурий тиббий сўғурта механизмларини

қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифларни ишлаб чикиш ва парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси билан чикиш;

- мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун **юқори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказиш** тизимини такомиллаштириш;

- аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратилadиган **дори воситалари, протезортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамни имтиёзли тақдим этиш** тизимини такомиллаштириш, бу борада самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

Шунингдек, партия **“Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиш** масаласини кўриб чикишни таклиф этади.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш мақсадида партия депутатлик бирлашмалари саъй-ҳаракатини пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар, “Мурувват”, “Саховат” ва “Меҳрибонлик” уйларида яшовчилар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига **тиббий хизмат кўрсатиш, уларни дори-дармонлар ва тиббий воситалар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий дорихоналар тармоғини ривожлантириш устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишга йўналтиради**.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз жамиятнинг ҳар бир аъзосига саломатлигини мустаҳкамлаш учун тенг имкониятлар яратиш тарафдоримиз!

ТАЪЛИМДА ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК

Таълимда ижтимоий тенгликни таъминлаш мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Халқ демократик партияси **таълим соҳасида ижтимоий аҳамиятга эга куйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратишни муҳим, деб ҳисоблайди**:

- бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва келгусида 3-6 ёшдаги болаларни мажбурий мактабгача таълим билан камраб олиш, мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш;

- тегишли педагогик маълумотга эга, лекин мактабгача ёшдаги бола тарбияси билан машғул бўлгани боис ишламайдиган аёлларни мактабгача таълим ҳудудий органлари тизимида оилавий мактабгача таълим тарбиячиси сифатида уй меҳнатини ташкил этиш, жумладан, мактабгача ёшдаги болаларга уйига бориб мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш дастури – “Homevisits” тарикасида уларнинг иштирокини таъминлаш.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун олий таълимдан фойдаланишининг ижтимоий мақбуллигини ошириш мақсадида партия куйидагиларни таклиф этади:

- қишлоқ ёшларини кейинчалик ўз қишлоғида ишлаш шарти билан давлат грантлари асосида педагогик, тиббиёт ва бошқа ихтисосликдаги олий таълим муассасаларига ўқишга **имтиёзли қабул қилиш**;

- тўлов-шартнома асосида тахсил оладиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига **имтиёзли таълим кредитларини ажратиш**;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим муассасаларида ўқиши учун имкониятларни кенгайтириш.

БИЗ ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ КАФОЛАТЛИ ТАЪМИНЛАНИШИ ТАРАФДОРИМИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА
2019 ЙИЛДА ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Шунингдек, партия давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат таълим муассасаларида фақат ўзига тўқ оилалар фарзандлари ўқий олишига йўл қўймаслик мақсадида **ушбу таълим муассасаларидаги тўлов-кон-трактнинг ижтимоий мақбул микдорини қонунчиликда белгилаб қўйишни** таклиф этади.

Шу билан бирга, партия қуйидаги масалалар бўйича процессуал механизмларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди:

- кам таъминланган оилалардан чиққан иқтидорли болаларнинг нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида тахсил олишини таъминлаш;

- мактаб ўқувчиларининг жамоат транспортдан бепул фойдаланишига эришиш;

- олий таълим тизимини давлат томонидан тартибга солишга доир илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт микдорини оптимallasштириш, талабаларга тайинланадиган стипендия микдорини фанларни ўзлаштириш даражаси ҳамда инновацион фаоллигига қараб белгилаш, барча эҳтиёжманд талабаларнинг ётоқхонада қулай шароитда яшашини таъминлаш ва ҳ.к.;

- мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари учун соғлом овқатланишни ташкил этиш;

- ногиронлиги бўлган болалар учун махсус адабиётлар, жумладан, овоз жўрлигидаги Брайль алифбоси асосида ҳам чоп этиш ва харид қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш ва шу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш, ушбу мақсадлар учун харажатларни давлат бюджетидан молиялаштиришни таъминлаш.

Ушбу масалада партиянинг шиори:

Биз ҳамма тенг равишда таълим олиши тарафдоримиз!

Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир!

МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАДА ТЕНГ ИМКОНияТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон ХДП жамият ҳаётининг барча соҳасида **ижтимоий тенглик** тамойилларига таянган ҳолда, ислохотларнинг мазкур босқичида **кам таъминланган оилаларнинг истеъдодли ва қобилиятли фарзандларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**, хусусан, ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш учун етарли имкониятлар мавжуд, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партия қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди:

- бола қобилиятини эрта аниқлаш ва уларнинг баркамол ривожланишига йўналтирилган самарали процессуал механизмларни яратиш;

- кам таъминланган оилаларнинг истеъдодли ва қобилиятли фарзандларини қўллаб-қувватлаш учун давлат грантлари тизимини яратиш;

- олис қишлоқ аҳоли пунктларидаги маданият муассасалари, “Баркамол авлод” болалар мактаблари, мусика ва санъат мактабларини ривожлантиришни молиялаштириш учун бюджет харажатларини ошириш;

- кам таъминланган оилалар фарзандлари учун “Баркамол авлод” болалар мактабларига тўловларни бекор қилиш;

- кам таъминланган оилалар, айниқса, олис қишлоқлар аҳоли пунктларида яшаётган ёшларнинг спорт билан шуғулланиши ва мароқли дам олиши учун тегишли инфраузилмани ривожлантириш.

Мамлакатнинг моддий ва номоддий маданий меросидан аҳолининг кам таъминланган қатламлари баҳраманд бўлиши учун қулай имкониятлар яратиш лозим. Шу мақсадда, партия хомийлар ёрдамида

Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириш учун ихтисослаштирилган фондлар тузишни таклиф қилади.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Биз маданий-гуманитар соҳада тенг имкониятлар тарафдоримиз!

Бу баркамол авлодни тарбиялаш пойдеворидир!

ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТ – КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИДИР

Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган юкори қўшимча қийматга эга товарлар билан тўлдириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омилidir.

Шу мақсадда партия маҳаллий ҳокимиятлар даражасида ҳудудларнинг истеъмол товарларга эҳтиёжини ўрганиш ҳамда аҳолининг ўсиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол талабини ривожлантириш режасини тайёрлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бунда, тегишли ҳудудларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун зарур ресурслар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

Шу асосда **керакли товарларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш**. Мазкур дастурларни шаҳар ва туманларда бандлик ва иш ўринлари яратишга доир ҳудудий дастурлар ҳамда ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурларига мувофиқлаштириш зарур.

Партия мазкур дастурларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини рағбатлантириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, самарали бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун тайлов асосида, имтиёзли кредит ва моддий ресурслардан фойдаланиш амалиётини киритиш.

- муайян ҳудудларга импорт товарларини олиб кирганлик учун божхона тўловларидан тушган маблағларнинг бир қисmini тегишли маҳаллий бюджетларга йўналтириш орқали импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бўйича махсус туман ва шаҳар инвестициявий фондларини яратишни кўзда тутиш;

- “ишлаб чиқариш ипотекаси”ни, яъни тижорат банкларининг инвестициявий ресурслари ҳисобига тайёр корхоналар ташкил этиш ва келгусида тадбиркорлик субъектларига кредит ёки лизинг бўйича сотиш механизмининг амалиётга киритиш. Шунингдек, импорт ўрнини босадиган ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича асосли бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун **имтиёзли кредитларни** жорий этиш.

Мазкур вазифаларни ҳал этишга қаратилган сай-харажатлар иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга **лаёқатли аҳолининг** қуйидаги узок муддатли ижтимоий манфаатларини амалга оширишга ёрдам беради:

- **ишлаб чиқариш соҳасида** барқарор ва юкори ҳақ тўланадиган **янги иш ўринлари** яратишни **жадаллаштириш**;

- **ички бозорга ўз товарлари билан кира-диган миллий ишлаб чиқарувчиларнинг доирасини кенгайтириш** соғлом рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ўз навбатида, маҳсулот сифатини яхшилаш ва истеъмол нархларини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ички бозорда импорт товарлари билан рақобатдошликка эришни таъки бозорларда ҳам рақобатбардошликни таъминлашда, муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Партия иқтисодиётни либерallasштириш ва бозор тизимини шакллантириш ижтимоий мақсадларга эришиш кафолатини бермайди, деб ҳисоблайди. Шу боис **давлат ва жамият томонидан иқтисодий**

ривожланишни назорат қилиш ҳамда тартибга солиш бўйича демократик тизимни шакллантириш лозимдир. Шу мақсадда партия келгуси даврда қуйидагиларга эришишни кўзлайди:

- иқтисодиётда таркибий ислохотларни амалга ошириш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари бўйича барча жабҳаларда ижтимоий мулоқот ва жамоат назорати механизмининг жорий этиш. Ушбу жараёнларни аҳолининг барқарор, юкори ҳақ тўланадиган иш ўринларида бандлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик даражаси ва ишлаб чиқаришнинг экологик тозаллигини таъминлаш билан уйғунлиқда олиб бориш;

- **технологик экспертизанинг замонавий тизимини шакллантириш, бу жараёнда ижтимоий шерикчилик асосида, қасаба уюшмалар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш**;

- **инвестициялар устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини яратиш**, инвестиция сиёсатида жамият манфаатлари ҳимоясини таъминлаш.

Партия ушбу вазифаларни амалий ҳал этиш мақсадида парламентдаги фракцияси, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва ҳудудий партия ташкилотларида жамоатчилик эшитувлари, маслаҳатлар ва халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишнинг бошқа шакллариини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

Партия мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур ҳолат ички бозорда тақчиллик келтириб чиқармаслиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ошириб юбормаслиги лозим, деб ҳисоблайди. Партия ана шу мақсадда истеъмол бозорининг тегишли сегментлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади ва унинг якуналари бўйича халқ депутатлари Кенгашларида ўз гуруҳлари орқали мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш бўйича таклифлар киритади.

Ушбу масалаларда партия шиори:

Биз барчанинг фаровонлигини таъминлайдиган ижтимоий иқтисодиёт тарафдоримиз!

БАНДЛИККА ОИД СИЁСАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнатга **лаёқатли фуқароларни ижтимоий нафақалардан юкорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш** аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблайди.


Ушбу масалалар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги бўлиналари билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда ХДП **аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат бююртмасини** бажариш устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишни мақсад қилган.

Бунда партия тегишли вазифалар ижросини таъминлайдиган демократик таъсир механизмларини ишга солган ҳолда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш учун қонунчиликда белгиланган квоталарга қатъий риоя этилишига** эришишни кўзда тутган.

Шунингдек, партия ишга жойлашишда қийин-чиликларга дуч келаётган аёллар, “Меҳрибонлик уйлари” битирувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлар учун ишга жойлашиш бўйича **ҳуқуқий кафолатларни ошириш** ҳамда **“Тенг иш учун — тенг иш ҳақи”** тамойилига қатъий риоя этилишига интилади.

Шу мақсадда, партия Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тегишли норма ва процессуал механизмлар билан тўлдириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва парламентдаги фракцияси орқали уларни

БИЗ БАРЧАНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАФДОРИМИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖҲҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА 2019 ЙИЛДА ЎТАДИГАН САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

қонунчилик ташаббуси сифатида олиб чиқишни режалаштирган.

Партия уй меҳнатини ташкил этишнинг янги самарали шакллари ривожлантиришга ҳаракат қилади. Хусусан, мактабгача ёшдаги бола тарбияси билан машғул бўлгани боис, ишламайдиган аёллар учун уй меҳнати ҳамда уларнинг давлатхусусий шериклигининг тегишли шаклларидаги иштирокини ошириш бўйича эҳтиёжларини аниқлаш ва ишлаб чиқилган таклифларни халқ депутатлари Кенгашларида кўриб чиқишни режалаштирган.

Олис қишлоқ ҳудудларидаги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларига малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида партия бундай ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмни қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича таклиф тайёрлаш ҳамда уни парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида илгари суришни режалаштирган.

Тадбиркорлик субъектларини ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақидан юқори маош тўланадиган барқарор иш ўринлари яратишга рағбатлантириш мақсадида партия қуйидагиларни таклиф этади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан келиб чиқиб, ижтимоий тўловларнинг дифференциал ставкаларини белгилаш. Бунда корхона тўлайдиган ўртача иш ҳақи қанча юқори бўлса, ягона ижтимоий тўлов миқдори шунча пасаяди;

- иш ҳақининг ўртача ҳисобланган номинал миқдоридан паст маош тўлайдиган корхона ва хусусий тадбиркорларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини қўлламаслик, даромадига эса юқори ставка бўйича солиқ солиш.

Партия ижтимоий шериклари билан биргаликда доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

- депутатлик ва жамоатчилик назорати тарзида “мардикор бозорлари”ни ўрганиб чиқиш ва шу аснода фуқароларни вақтинча бир марталик иш билан таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар нега иш бермаётганининг сабабларини аниқлаш;

- бандлик ва илсизликка қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш;

- ўрганишлар натижаси асосида “Бандлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришларни киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси сифатида олиб чиқишни кўзда тутган.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз ҳар бир шахс муносиб шароитларда меҳнат қилишининг тарафдоримиз!

ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ВА СУД-ҲУҚУҚ

СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ҲАМДА ИЖТИМОЙ ДЕМОКРАТИЯ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатда ижтимоий демократия тизимини шакллантириш тарафдори. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун давлат, жамият ва суд-ҳуқуқ соҳаларида тенгликни таъминлаш демокдир.

Партия ана шу мақсадда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этишни таклиф этади:

- мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим жабҳалари, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор бўлган ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ижро ҳокимияти томонидан қарор қабул қилишда, парламентдаги сиёсий

партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари билан мажбурий жамоатчилик маслаҳатларини ўтказиш механизмни жорий этиш;

- аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мажбурийлигини қонунчиликда мустаҳкамлаш. Шу мақсадда, “Қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тўғрисида”ги ва “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш;

- Давлат хизматлари марказлари негизда “электрон ҳуқуқат” тизими асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қонун лойиҳалари ва турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамаси ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш жараёнида эркин катнашиш имконини берадиган шохобчалар ташкил этиш. Шунингдек, бундай шахслар учун қонунлар ва турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари, айниқса, халқ депутатлари Кенгашлари, давлат ижро ҳокимияти идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари матнлари билан танишиш имко-ниятини кенгайтириш.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, қонун олдида барчанинг тенглиги – ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш партиянинг суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишдаги устувор йўналишларидан бири саналади.

Юқоридаги вазифаларни амалий ҳал этиш мақсадида партия қуйидагиларни кўзда тутган:

- аҳоли заиф қатламларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик, депутатлик ҳамда парламент назорати самарадорлигини оширишга қаратилган инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- аҳолининг кам таъминлаган қатламлари учун ҳуқуқий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича ижтимоий мақбул бўлган тизим яратиш, шу мақсадда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул маслаҳатлар берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш. Хусусан, бундай муассасаларни халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳи ва партия ташкилотлари қошида ташкил этиш;

- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ишлар самарадорлигини янада яхшилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизда ҳуқуқий маслаҳат бериш тизимини яратиш. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ижтимоий масалалар бўйича давлат ва вакиллик органларига юбораётган мурожаатлари юзасидан маслаҳатлар бериб бориш.

Партия соғлиқни сақлаш ҳамда таълим ходимларининг шаъни, кадр-қиммати, касбий обрўси ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият қаратган ҳолда қуйидагиларни амалга оширишни лозим, деб ҳисоблайди:

- парламентдаги фракцияси орқали “Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунларда тегишли нормалар мавжудлигини инвентаризация тарикасида текшириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш;

- соғлиқни сақлаш ҳамда таълим ходимларининг шаъни, кадрқиммати, касбий обрўси ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш;

- ўрганишлар натижаси асосида “Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги

қонунларга ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз ижтимоий демократия – ҳуқуқлар тенг-лиги ва уларни амалга оширишда имкониятлар тенглиги тарафдоримиз!

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Партия ахборот маконида мафкуравий таҳдидлар қучайиб бораётган шароитда, уларга қарши курашиш учун жамиятнинг ижтимоий бирлашиши муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди.

Партия ушбу масалага доир вазифаларини фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда миллий мустақиллик ғоясини мустаҳкамлаш бўйича давлат ва фуқаролик жамияти институтлари олиб бораётган ишларни изчил қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширади.

Шу муносабат билан, партия оила институтини мустаҳкамлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришда ўзининг барча ташкилотларининг янада фаол иштирокини таъминлашга интилади.

Партиянинг фикрича, бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Салоҳиятли ёшларга сиёсий партиялар тизимида ишлаш ва депутатлик фаолиятида ўзини намоён қилиш имкониятини бериш зарур.

Партия жамиятда барқарорликни сақлаб туриш учун ижтимоий кескинлики юзага келтириши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Партиянинг ижтимоий-иқтисодий вазиятни ва электоратининг кайфиятини тизимли мониторинг қилиб борадиган маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари бу механизмнинг муҳим таркибий қисмлари бўлиши лозим.

Ҳар бир мониторинг натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилиниши зарур. Бунда, одамлар ижтимоий муаммоларини ҳолис ва адолатли ҳал этишда партия ёрдам беришини билиши керак. Бу ҳолатда маъмур масалалар бўйича “учинчи томонга” мурожаат қилишга зарурият қолмайди. Ўз навбатида, партия маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш ва партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашни режалаштирган.

Ушбу масалада партиянинг шiori:

Биз мамлакатда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси юқорида кўрсатиб ўтилган устувор дастурий вазифаларни илгари сураётган, бошқа сиёсий партиялар билан сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашлари учун бўлаётган соғлом рақобат шароитида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида таъсирчан парламент фракциясини яратишни таъминлайдиган муносиб ўринга эришишни режалаштирмоқда. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида етакчи позицияларга эришиш йўлида кураш олиб боради.

Бу партиянинг давлат ҳокимияти сайланма органлари фаолиятида иштирок этиши ва дастурий мақсадларини амалга ошириши учун зарур шароитлар яратилади. Жамиятда ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва ижтимоий бирдамлик тамойилларини қарор топтириш йўлида қонунлар ва бошқа давлат қарорларининг қабул қилиниши ҳамда самарали ижро этилишини таъминлашда Ўзбекистон ХДПнинг жойларда таъсир доирасини мустаҳкамлашга имкон беради.

Биз – ҳар бир инсон фаровонлигини таъминлаш тарафдоримиз! Бу юртимиз равнақи гаровидир! Бизга овоз беринг!

**БИЗ ҲАР БИР ШАХС МУНОСИБ ШАРОИТЛАРДА
МЕҲНАТ ҚИЛИШИНING ТАРАФДОРИМИЗ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



1-Байналминал сайлов округи

**АРИБЖОНОВ ШУХРАТБЕК
ШАРОБИДДИНОВИЧ**

Андижон давлат тиббиёт
институтининг академик лицейининг
ўқув инлари бўйича директор
ўринбосари



6-Бунёдкор сайлов округи

**ТУРСУНОВ ОТАБЕК
РАВШАНБЕК ЎҒЛИ**

Андижон вилоят Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи ўринбосари



2-Темирйўлчилар сайлов округи

**ИСМАИЛОВА ГУЛНОРАХОН
АЛИЖОНОВНА**

Андижон вилояти ахборот-
кутубхона маркази директори



7- Наврўз сайлов округи

**БЕРДИРАХМАТОВ ТУРСУНБОЙ
БЕРДИРАХМАТОВИЧ**

“Соғлом авлод учун” фонди Андижон
вилояти филиали директори



3-Бўстон сайлов округи

**НУРМАТОВ АБДУЛҲАМИД
АБДУХАЛУМОВИЧ**

Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Андижон вилоят
Кенгаши раиси



8-Саноат сайлов округи

**НУРМАТОВА ШОХИСТАХОН
МУҲАММАДЖОНОВНА**

Андижон шаҳар Мухаммад Юсуф
номидаги мактаб директори



4-Маориф сайлов округи

**ҲАЙДАРОВ ШАХОБИДДИН
СИРОЖИДИНОВИЧ**

Андижон вилояти монополияга
қарши курашнинг бошқармаси
бошлиғи



9- Суджаат сайлов округи

**ЮЛДАШЕВ МУҲАММАДЖОН
ИМИНЖОНОВИЧ**

Андижон вилояти ҳокимлиги
хузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари ходимларини
малакасини ошириш ўқув курси
ўқитувчиси



5-Шифокор сайлов округи

**ТОХТАСИНОВ АЗАМАТЖОН
АБДУГАППАРОВИЧ**

Тошкент шаҳри “НН-ТЕСН”
Банк Кенгаши раиси



10-Кўмакай сайлов округи

**ХАЙДАРОВА ЗУЛҲУМОР
РАСУЛОВНА**

Олтинкўл туман тиббиёт
бирлашмаси тасарруфидаги
“Олтинкўл” кишлоқ врачлик
пункти мудираси

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



11-Марказ сайлов округи

**МАМАТҚУЛОВ
ШУКУРЖОН**

Олтинқўл иқтисодиёт коллежи
директори



16-Олимбек сайлов округи

**ИЙМАНОВ ЖАВЛОН
САИДРАХМОНОВИЧ**

Тошкент давлат аграр университети
Андижон филиали гуманитар фанлар
кафедраси ассистенти



12-Оразий сайлов округи

**СУЛТОНОВА МУҚАДДАС
НЕЪМАТОВНА**

Олтинқўл тумани
42-умумтаълим мактаби директори



17-Обод сайлов округи

**АБДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК
АНВАРОВИЧ**

Фукараларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари ишлари
мувофиқлаштириш бўйича вилоят
кенгаши раисининг биринчи
ўринбосари



13- Чинобод сайлов округи

**НАЗАРОВА ОДИНАХОН
ИНОМОВНА**

Андижон вилояти Балиқчи тумани
43-умумий ўрта таълим мактаби
директори



18-Бўз сайлов округи

**ТҲЙЧИЕВА МАТЛУБАХОН
КАМОЛДИНОВНА**

Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгаши
раиси



14-Эски ҳаққулбод сайлов округи

**ХАКИМОВА НАЗОКАТ
МАҚСУДОВНА**

Андижон вилояти Балиқчи тумани
ХТМФМТТЭ бўлими,
45-умумтаълим мактаби директори



19-Ҳақиқат сайлов округи

**ИСМОИЛОВА ТҲТИХОН
ХОЖИАКБАРОВНА**

Шахрихон тумани “Қуруқсой” маҳалла
фукаралар йиғини хотин-қизлар
билан ишлаш бўйича мутахассиси



15-Балиқчи сайлов округи

**УСМОНОВ ШУҲРАТ
ҚАҲҲАРОВИЧ**

Андижон вилояти Балиқчи тумани
“Дўстлик” МФИ раиси



20- Назармахрам сайлов округи ГОПИРОВ КОМОЛИДИН

Шахрихон тумани
44-ихтисослашган давлат умумтаълим
мактаби директори

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



21-Чўжа сайлов округи

**БЎТАЕВ РАВШАН
ОДИЛОВИЧ**

Шаҳрихон туманидаги
"Одилжонхожи" фермер хўжалиги
раҳбари



**22-Ўрта Шаҳрихон
сайлов округи**

**ЭРГАСHEВ ТЎЛҚИН
ОДИЛОВИЧ**

Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Шаҳрихон туман кенгаши
раиси



23-Гулшан сайлов округи

**ЮЛДАШЕВ ШОКИРЖОН
АБДУМАННОВИЧ**

Тадбиркор



24- Баҳор сайлов округи

**САЙДАЛИЕВ МУРОДЖОН
НИШОНОВИЧ**

Шаҳрихон тумани «Нуриддин Савдо
Файз» оилавий корхонаси раҳбари



**25-Автомобилчи
сайлов округи**

**КАМБАРОВА ЗУЛФИЯ
МИРЗАКАРИМОВНА**

"Оила" илмий-амалий тадқиқот
маркази вилоят бошқармаси
бошлиғи



26-Зарбдор сайлов округи

**ДАДАЖОНОВ МЎЙДИНЖОН
МУХТОРОВИЧ**

Ўзбекистон ХДП Асака туман
кенгаши раиси



**27-Мустаҳкам
сайлов округи**

**МЎМИНОВ ДУРБЕК
НЎМОНОВИЧ**

Асака педагогика ва дизайн касб-хунар
коллежи директори



28-Асака сайлов округи

**САЙДИДОВА МУБОРАХОН
АБЫТХАНОВНА**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари иштини мувофиқлаштириш
бўйича Асака туман бўлинмаси раиси
ўринбосари



29-Қўжган сайлов округи

**САМАТОВ ДИЛМУРОДЖОН
ХОЛМАТОВИЧ**

Асака спорт коллежи директори



30-Занкан сайлов округи

**АЛИБЕКОВА МАЛИКА
МУМИНЖОНОВНА**

Ўзбекистон ХДП Асака туман
кенгаши раиси ўринбосари

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



**31-Мингтепа
сайлов округи**

**ЯРМАТОВ ХОШИМЖОН
ГАНИЕВИЧ**

Марҳамат туман ҳокимлиги
жамоатчилик кенгаши раиси



36-Маяриқ сайлов округи

**ХОЛМИРЗАЕВА МУБОРАХОН
ҚУЗИЕВНА**

“Оила” илмий-амалий тадқиқот
маркази Булоқбоши туман бўлими
раҳбари



**32-Пахтакор
сайлов округи**

**ТАНИЕВ АБДУҚОДИР
ЭГАМНАЗАРОВИЧ**

Андижон вилояти, Марҳамат
тумани «Аброр Сарбон Агро
Элит» Ф/Х раҳбари



37-Еттичинор сайлов округи

**ЭРГАШЕВА САРВИНСАХОН
АХМАДЖАНОВНА**

Андижон вилояти Хўжабод
туманидаги Ибн Сино кишлоқ
врачлик пункти мудири



33-Хўжаариқ сайлов округи

**ОБИДОВ МАХАМАДМУСО
ОРИПЖОНОВИЧ**

Марказий банк Андижон вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи
ўринбосари



38-Манак сайлов округи

АХУНОВ ЎКТАМЖАН

«Нуроний» жамғармаси Андижон
вилоят бўлими раиси



34-Кулла сайлов округи

**ЮЛДАШЕВ СИРОЖИДДИН
МАХМУДОВИЧ**

Ўзбекистон ХДП Булоқбоши туман
кенгаши раиси



39-Жалақудук сайлов округи

**ХУРХОНОВА НИЛУФАР
СОБИРЖОНОВНА**

Жалақудук туман ХТМФМТ
ва ТЭ бўлими 18-умумий ўрта
таълим мактаби ўқитувчиси



**35-Найман
сайлов округи**

**СОТВОЛДИЕВ НОДИРБЕК
МАХАМАТЖОНОВИЧ**

Булоқбоши туман
11-санатория мактаб-интернати
директори



40-Қатортол сайлов округи

**НОСИРОВ ОБИДЖОН
ХАМИДОВИЧ**

Вилоят қирғиз миллий маданий
маркази раҳбари, Жалақудук туман
“Абдуллабий” МФЙ раиси

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



41-Ойим сайлов округи

ЗАКИРОВ АЛИМ

Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишлари мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари



46-Қорасув сайлов округи

МАМАЖАЛИЛОВ ШОДИЛБЕК

Қўрғонтепа Дон маҳсулотлари очик акционерлик жамияти раиси



42-Абдуллабий сайлов округи

**ЖЎРАЕВ ИКРОМЖОН
ХОЛДАРОВИЧ**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жалоқудук тумани кенгаши раиси



47-Хонобод сайлов округи

**МАМАТОВ МАНСУРЖОН
МАХМУДОВИЧ**

Андижон вилояти Хонобод шаҳар "LENS TEXTILE INVEST" масъулияти чекланган жамият директори



43-Шаҳрихонсой сайлов округи

**БАБАХОНОВ АКМАЛЖОН
СОЛИЖОНОВИЧ**

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси



48-Ўзбекистон сайлов округи

**СОЛИЕВА ОДИНАХОН
АРСЛАНОВНА**

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Пахтабод туман бўлими мутахассиси



44-Қўрғонтепа сайлов округи

**ҚЎЛДАШЕВ ШУКУРУЛЛО
ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

Қўрғонтепа туман "Идеал комплект савдо" МЧЖ раиси



49-Қўқонқишлоқ сайлов округи

**ИСМОИЛОВ БАХТИЁР
АБДУСАТТАРОВИЧ**

Пахтабод туман "Сарвиноз Парвоз" фермер хўжалиги раҳбари



45-Дардоқ сайлов округи

**НАЗАРОВА СОХИБЖАМОЛ
ШЕРАЛИЕВНА**

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 12-умумтаълим мактаби директори



50-Қумшайдон сайлов округи

**МАМАЖОНОВ ТОШМУХАММАД
МУЛЛАЖОНОВИЧ**

"Қорадарё-малисой" ирригация тизим бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР



**51-Маданият
сайлов округи**
**АБДУЛАЗИЗОВ
МАХМУДЖОН**

Пахтаобод тумани "Маданият
универсал савдо" масъулияти
чекланган жамияти кузатув
кенгаши раиси



56-Қорадарё сайлов округи
**СОЛИЕВА БАРНОХОН
ОБИДЖАНОВНА**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилоят бўлими етакчи
мутахассиси



52-Пойтуғ сайлов округи
**АХРОРОВ СУЛТОНХОН
ВАККОСОВИЧ**

Избоскан тумани Ижтимоий-
иқтисодий касб-хунар коллежи
директори



57-Бўтақора сайлов округи
ФАНИЕВА МАТЛУБАХОН

Андижон тумани "Орол" маҳалла
фукаролар йиғини раиси



53-Жонобод сайлов округи
**РАХИМОВ АВАЗБЕК
МУРОДОВИЧ**

Андижон вилояти, Избоскан
транспорт касб-хунар коллежи
директори



58 -Ёрбоши сайлов округи
**АХМЕДОВА УМИДАХОН
КАДИРЖАНОВНА**

Андижон давлат университети ёшлар
билан ишлаш, маънавият ва маърифат
бўлими услубчиси, хотин-қизлар
қўмитаси раиси



54-Тўрткўл сайлов округи
**ДОЛИМОВ БОБУРМИРЗО
БАХОДИРОВИЧ**

Андижон вилояти, Избоскан тумани
39- ДИМИ мактаб интернати
ММИБ директор ўринбосари



59-Хокон сайлов округи
**БОЛАСОЗОВ АБДУВАЛИ
ҚУЧКАРОВИЧ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат
мажмуи устидан назорат қилиш
инспекциясининг Андижон тумани
бўлими бошлиғи



55-Чувама сайлов округи
**ХУШВАҚОВА НАРГИЗА
АБДУЛЛАЕВНА**

«Оила» илмий-амалий тадқиқот
маркази Андижон вилояти
бошқармаси тасарруфидаги «Маҳсул
ўқув курси» раҳбари



60-Қўнжи сайлов округи
**КАРАБАЕВ АНВАРЖОН
НЕЪМАТЖАНОВИЧ**

Андижон пахтачилик институти ГТС
кафедраси мудири, доцент

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВДАН КЕЙИНГИ ДАСТЛАБКИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2030 йилгача мамлакатимизда ижтимоий демократик давлат асосларини шакллантиришни ўзининг асосий дастурий мақсади, деб белгилади.

Сайловдан сўнг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатларимиз яқин 5 йил ичида ушбу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги 12 қадамни амалга оширади.

12 қадами!



1-ҚАДАМ. Пенсиялар, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлар расмий белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигини таъминлаш, бу борада конституциявий меъёrlарни амалга оширишга интиламиз.

Парламентдаги фракциямиз ҳар бир инсоннинг биринчи галдаги ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қаноатлантиришни таъминловчи истеъмол саватчаси қиймати асосида яшаш минимуми таърифини қонун билан мустаҳкамлашга эришади.



2-ҚАДАМ. Биз давлат ҳар бир инсоннинг ҳаётий зарур ижтимоий хизматлардан бепул фойдаланишнинг қонунчилик даражасида ва реал ҳаётда кафолатлини ис-таймиз. Шу орқали фуқароларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш, уй-жой, ижтимоий ҳимоя, маданий ҳаётда иштирок этиш ва малакали юридик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланади.



3-ҚАДАМ. Партиямиз эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишнинг таъминлаш учун курашади.

Ана шу мақсадда партия илгор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, кам таъминланган аҳоли қатлами учун кундалик зарур товар ва маҳсулотларни арзон нархларда сотиш бўйича ижтимоий дўконлар тармогини ривожлантиришни ҳам режалаштирган.



4-ҚАДАМ. Парламентдаги фракциямиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилиш ташаббуси билан чиқади. Шунингдек, миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича меъёрий қоидаларига мувофиқлаштиришга эришади.



5-ҚАДАМ. Биз энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларини истеъмолчилар гардианга юклайдиган коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг монополиясига барҳам беришни кўзлаганимиз.

Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин беш йил ичида шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам аҳолини қиммат бўлмаган электр энергия, иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича замонавий автоном тизимларни яратишга, бу борада ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга эришмоқчи.



6-ҚАДАМ. Партия аҳолининг ижтимоий заиф қатламига арзон турар жойлар қурилишини кенгайтириш учун қатъий ҳаракат қилади.

Жумладан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз яқин 5 йил ичида ижтимоий аҳоли оғир, яшаш шароитини яхшилашга муҳтож аёллар, фарзандларини тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган кам таъминланган оналар ва Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлашнинг назоратга олади.



7-ҚАДАМ. Парламентдаги фракциямиз мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини қонун билан тасдиқлашга эришишни кўзлаган.



8-ҚАДАМ. Партиямиз парламент, депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ёрдамида эҳтиёжманд аҳолига дори-дармон воситалари, протезлаш воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий хизматларни харид қилиш қулай бўлиши учун курашади.



9-ҚАДАМ. Биз фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.

6 ёшгача бўлган болаларни мажбурий мактабгача таълим ва тарбия билан тўла қамраб олиш, мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини тақдим этиш, барча мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни соғлом озиқ-овқатлар билан кафолатли таъминлаш, олий таълим тизимини ривожлантириш, хусусан, таълим шартномалари нархини оптималлаштириш, эҳтиёжи бор талабаларни турар жойлар билан таъминлаш муҳим вазифа, деб биламиз.



10-ҚАДАМ. Партия ўқитувчилар ва шифокорларнинг ижтимоий мавқеи-ни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади.



11-ҚАДАМ. Халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни амалга оширишни тақлиф этади.



12-ҚАДАМ. Бизнинг парламент фракциямиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизмини яратишни кўзлаган.

Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлигига сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзодларига овоз бериш билан бизга ишонч билдириң.

Биз юксак ишончингизни оқлаш ва олдимиздаги 12 қадамни ташлаш учун қатъий курашамиз!

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-3 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Г — 1251. 5485 nusxada bosildi. Nashr
ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari

MANZILIMIZ: 100000,
Toshkent, Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Газета тахририятнинг комп-
пьютер марказида терилди
ва саҳифаланди.